

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 182 (5473).

13 АВГУСТ 1984 й.
ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ТУҲФА

Курувчиларнинг ҳар йили ўзларининг анъанавий байрамлари арафасида янги турар жой ва жамоат биноларининг фойдаланишига топширишлари яхши одатга айланиб қолган.

Биз уларнинг бир нечаси адресини маълум қиламиз. Юнусобод массиви, 60 квартиралари 5 қаватли уй. Уни 1-уйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармаси коллективи бунёд этган. Пушкин кўчасида эса 4-трестнинг 38-қурилиш бошқармаси 60 квартиралари 5 қаватли уйни фойдаланишига топширди. Ивановлик тўқимачилар кўчасида ҳам 1-уйсозлик комбинатининг 31-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари 7 та беш қаватли уйни ҳамшаҳарларимизга туҳфа этдилар. Шунингдек Чилонзор, Қорақамчи, Қўйлик массивларида ва пойтахтнинг бошқа районларида ҳам бир неча қўл қаватли уйлар қуриб битказилди.



БУХО
ГАЛАБАНИНГ
40 ЙИЛЛИГИГА
40 ЗАРБОР
МЕХНАТ
ҲАФТАСИ

Республика машинасозлигининг байроқдори — «Ташсельмаш» заводининг ишчилари Буюк Галабанин 40 йиллиги шарафига вахтада туриб ишламоқдалар. Корхона цехларида бўлиб ўтган митингларнинг қатнашчилари шу шонли санага бағишлаб, 40 зарбор ҳафталик ўтказиш тўғрисида москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватладилар, янги оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.


Механика-Йиғув цехининг ишчилари бу йил пиландан ташқари 120 та пахта тегириш машинаси ишлаб чиқариш, шу машиналар учун тошириққа қўшимча равишда тегишли миқдорда ромлар тайёрлаш режасини белгиладилар. Механика цехининг коллективи йилнинг учун пиландан ташқари 120 комплект вал ва шестеря жувнатни мажбуриятини олди.

слесарлар, А. Яшченко ва Я. Ҳабибулин бошлиқ токарлар бригадалари, ўнлаб бошқа коллективлар шу кунларда зарбор график асосида ишламоқдалар. Машинасозлар Улуғ Ватан уруши фронтларидан қайтиб келмаганлар учун хотира вахтасида туриб бир кун ишлаб бериш, ишлаб топилган маблағни Москвада Галаба меъморилик қурилиш фондига ўтказиш мажбуриятини олдилар.

А. Борин бошлиқ йиғувчи

Шаҳар электр транспорт истиқболини юксалтириш ишида фойдаланиш кўрсатилган А. Шербакоев аям Совет Армияси сафида хизмат қилди. Ўз ватанини немис фашистлар галасидан озоқ қилиш йўлида дахшатли жангларда иштирок этди.

Коммунист жангчи қайси поста бўлимаси фақат галаба наҳидасини суриш орузи билан душманларга ажал уруғини сочди.



«Кизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкиси Хатир Исроилова аёллар пальтосини тикшида ҳаммасларига ҳамма ўрнак. У кунлик иш нормаларини ортинги билан адо этмоқда.

Президентдан ёрлик олган жангчи Александр Шербакоевнинг босиб ўтган жанговар йўллари Қизил Юдуз ва 12 та жанговар медал билан таъдирланган. У шу кунларда шаҳар трамвай-троллей 6 у с ишлаб чиқариш бошқармасида катта инженер-методист вазифасида ҳалол меҳнат қилиб келяпти. Унинг 40 та Фахрий ёрлиги покиза меҳнатининг белгисидир. Энг кунончилиси бу Фахрий ёрлиқнинг биринчисини Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти Нўрдош Охунбоев тоширган.

Александр Филиппович Шербакоев ўзининг жанговар дўстлари В. Бондаренко, В. Ноздрев, М. Гольдс, С. Юсупов, Д. Нодисветов, М. Хусанов, Т. Худобер, С. Солиқов, А. Комилов ва бошқа электр транспортчилар билан бирга келгуси йил 9 Май байрамининг ўтарини руҳда нишонлан таррадууда меҳнат қилганди.

М. АҲМЕДОВ.

ГРАФИК ОРТА ҚОЛДИ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасида қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 31-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Ш. Ҳудобер бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси юбилейли вахтасида юксак унум билан меҳнат қилишганди.

БУГУН

уйсозлар «Ивановлик тўқимачилар» кўчасида 2 та беш қаватли турар жой биноси қурилишида умумий қурилиш ишларини графикадан ярим ой илгари ниҳоятга етказдилар. Бригаданнинг М. Ҳамзин, Т. Назаров ва бошқа ишчилари ўз меҳнатлари билан бошқармага ўрнак бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари—ҳаётга БУРЧНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ҲИС ЭТАЙЛИК

Фрунзе район партия комитетининг пленумидан

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Тошкент области ва шаҳар комитетларининг пленумларида Фрунзе район партия комитетининг фаолияти ўткир ва ҳаққоний таъкид қилинди. Янгида Фрунзе район партия комитетининг меҳнат коллективларининг меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннарини пасайтиришга ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга сафарбар этиш бўйича иши тўғрисидаги масалани кўриб чиққан шаҳар партия комитети бюросининг қарориди кўрсатиб ўтилдики, Фрунзе район партия комитети, унинг бюроси ва бўлимларининг иш услуби ва методлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларига жавоб берадими. Бу ерда иқтисодий потенциалдан фойдаланишда, меҳнат, план ва ишлаб чиқариш иттифоқининг мустаҳкамлашда намчилик ва нуқсонлар рўй берапти.

секретари А. Мокшин, пой-афзал фабрикаси мастери, КПСС XXVI съезди делегати Ф. Аҳмедова, район халқ контроли комитети раиси Р. Подмарев ва бошқаларнинг нўтқларида кўрсатиб ўтилдики, район партия ташкилоти ишида етарли даражада қатъият, экономикани самарали бошқаришда, куч-гайратни жамоат ишлаб чиқаришнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга сафарбар этишда маҳорат кўрсата олмади.

Мана, ўтган шабаба кунини Фрунзе район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми якунлари ҳамда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари асосида партия ва давлат иттизоқини янада мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масала жиддий таъкид ва ўзгани таъкид руҳида муҳокама этилди.

Қоқоқликнинг сабабини нимада? Сузга чиққанлар таъкидлаб ўтиганидек жойларда ишлаб чиқаришни бошқаришда маҳорат етишмайди, топширилган иш устуқаси учун кадрларга етарли даражада талабчанди курсатилмайдими, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалалари, уларнинг ишларини баҳолаш ҳамма ҳам принципал, партиявий ҳал этилавермайдими. Раҳбарларнинг ўз вазифаларига масъулиятсиз муносабати, партия комитетлари секретарларининг принципсизлиги оқибатида Тошкент (О. Сокиев, У. Султонова), «Ташсельмаш» (Г. Шарин, В. Кравченко), пластмасса ва манйиш химия буюмлари (Р. Балаян ва В. Дўсмухамедов) заводлари, «Промстройкомплект» бирлашмаси (В. Гауфлер, Т. Ҳафизов) коллективлари беш йилликнинг ўтган йилларида мамлакат халқ хўжалигига 36 миллион сўмлик маҳсулотни кам беришди.

Ҳамза район партия комитетининг пленумидан

Навбатдаги пленумда Ҳамза район партия ташкилотининг фаолиятидаги муҳим масалалар муҳокама ишчилари ва принципаллик руҳида ўтди.

Район партия комитетининг пленуми партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида партия ва давлат иттизоқини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нахмитдинов доклад қилди.

Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, район меҳнатшароити партия ташкилоти раҳбарлиги остида хўжалик ва маданий қурилишда муайян ютуқларни қўлга киритди. Район беш йиллик топшириқларини мунтазам бажариб келмоқда. Бирок, унинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси бундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин ва бўлмоғи ҳам зарур эди.

Доклада, В. П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Б. Ю. Юсупов, «Ташсельмаш» заводи цех партия ташкилотининг секретари Т. Г. Таченко, 3-қурилиш трести 16-қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиги В. А. Гушчин, 2-уйсозлик комбинатининг бетончилар бригадари А. Г. Ким сўзларида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, мавжуд ижтимоий-иқтисодий фойдаланиш, деб бўлмади. Барпо этилган иқтисодий потенциал эса мўлжалланган самарани бермапти.

«Республика партия ташкилоти олдда турган масъулиятли вазифаларни ҳал этиш халқ хўжалигига раҳбарлик формалари ва методларини тубдан яхшилашни, планлаштириш ва бошқариш савиясини оширишни талаб қилади».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларида).

Октябрь район партия комитетининг пленумидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида, Тошкент области ва шаҳар партия комитетларининг кейинги пленумларида экономикани ривожлантиришнинг муҳим масалалари, меҳнатда янада яхшироқ натижаларга эришишга ҳалақит бераётган — иттизоқни мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлаш талабчанлик, юксак талабчанлик билан таъкид этилган эди. Октябрь район партия комитетининг пленумида ҳам бу проблемалар ўз аксини топди. Унда «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми якунлари ҳамда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат иттизоқини янада мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш бўйича район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Ташкент товар станциясининг партия ташкилоти секретари Ш. Н. Қодиров, теллово депосининг машинист-инструктори Х. С. Паенаев ишлаб чиқаришнинг барча звеноларида иттизоқни ошириш ҳақида гапирдилар.

Умуман район бўйича таҳлил шуни кўрсатдики, прогностлар ва маъмурият рухсати билан ишга келмаслик йўқотишлар ўтган уч йил ичиди 179 миң киши-қунини ташкил этди.

Доклада — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг биринчи секретари О. С. Расуллов таъкидлаб ўтдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми якунларини кўриб чиқаётганда тўпланган тажриба баҳо бериш, бугунги кунда район партия ташкилоти қандай ютуқларга эришди, келажакда яна нималарга эришиши — ана шуларни таққослаш зарур.

ЎН САККИЗИНЧИ ҲАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ҲАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети икромия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Ўн саккизинчи ҳақирӣқ халқ депутатлари шаҳар Советининг ўн биринчи сессияси 1984 йил 23 август кунини ҳақирӣқсини.
- Шаҳар Совети сессияси муҳокамасига қўйидаги масалалар киритилсин:
 - КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида Тошкент шаҳри аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш даражаси ва маданиятининг аҳоли ва уни янада ошириш чоралари тўғрисида;
 - Шаҳар Советининг уй-жой хўжалиги бўйича доимий комиссияси ҳисоботи.

ПЕШҚАДАМ ОЛДИНГА ИНТИЛМОҚДА

Шанба ва якшанба кунлари футбол бўйича мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Турнир жадалида пешқадалик қилаётган Ленинградлик «Зенит» командаси Тошкентда «Пахтакор» спортчиларининг меҳмони бўлишди. Бу сафар ҳам футбол мухлислари пахтакорчилар ўйинидан ранжиди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент грампластинкалар заводида дисклар тайёрлаш учун ҳам ишлаб чиқаришнинг автоматик линия ишга туширилди. Бу ускуна корхонани ҳам ашё этказиб келиш машаққатидан ҳалос этишда, меҳнат унумдорлигини оширишда, таннарини камайитради. Завод босмачасида Германия Демократик Республикасида келтирилган янги офсет машина ўрнатилди.



ҲАЗРАТИ ОЛИЙ ИШЧИЛАР СИНФИ ЎЗ САФИГА ЧОРЛАЙДИ СИЗНИ!



ДУРАДГОР

Қуришида ҳамisha ёғоч муҳим аҳамият касб этади. Дурадгорлик касби қурилушнинг бошқа ишлари орасида ўзини хос муносиб ўрин эгаллайди. Уйсозлик индустриал асосга ўтказилган ҳозирги пайтда дурадгорлик ишлаб чиқариши тўғрисидаги оддий тасаввурларимиз кескин ўзгариб кетди. Қурилушга эшик ва дераза блоклари ўрнатилган тайёр девор панеллари келиб турибди. Айни пайтда дурадгор меҳнати анчагина ўзгариб кетди: у жуда ҳам енгилашди, янада ранг-баранг ва қизиқарли бўлиб қолди.

Дурадгорлар ёғоч, тўсиқларни, зинапояларни ўрнатмоқдалар, вақтинчалик санитария-маиший уйчаларни қурмоқдалар, ёрдамчи жиҳозларни тайёрламоқдалар. Умуман ёғоч билан боғлиқ бўлган кичик юмушларни бажармоқдалар.

Айниқса биноларнинг интерьерларини яратишда ва безаклашда дурадгорлик хизмати гоянда бебаҳодир. Дурадгорлик панеллари деворларни пардозлаш ва биноларга архитектуравий қиёфа бахш этиш мақсадида қўлланилмоқда. Қурилган мебель (шкафлар ва антресоқлар) пол устига ўрнатилиб, ширфта ва деворга маҳкамланмоқда, шкафларнинг пластик қаноти плитуслар билан беркитилмоқда, деворларда тик кетган ёриқлар рейкалар ёки майда тилимланган ёғоч билан беркитилмоқда.

Дурадгор ёғочнинг нави ва унинг таркибини ажрата биладиган, уни қайта ишлаш усулларини тушунадиган, ранг-баранг елимларнинг таркибини ўрганган, асосий дурадгорлик ишларини бажаришни улдасдан чиқадиган, уларнинг моҳиятини аниқлайдиган, баъдий дидини муносиб эгаллаган киши бўлмоғи керак. Дурадгор ёғочни қайта ишлайдиган ускуналар, электр асбобларни ишлашта билишни билладиган, уларнинг тузилишини аниқлайдиган, дурадгорлик буюмлари ва конструкцияларининг чизмаларини ўқий оладиган бўлмоғи керак.

ПОТОК-КОНВЕЙЕР ЛИНИЯСИ ОПЕРАТОРИ

Бу касб яқинда республикада уйсозлик комбинатларининг ишга туширилиши, уларни реконструкция қилиш ва бетон ишлари ишлаб чиқариш илгор технологиясини тadbик этиш мубосабати билан юзага келди.

Поток — конвейер линияси операторлари йирик панелли уйсозлик учун буюмлар ишлаб чиқариш бўйича санонат корхоналарида ишлайдилар.

Операторнинг иш жойи — поток линияси бошқариш пульта бўлиб, унда бетончиларнинг комплекс бригадаси ишлайди. Пультада турган оператор панелларни тайёрлаш жараёнида ишлар бошқариб боради: қоплаш столини кўтарди ва туширади, қоплаш бетоннинг жойлашувини кузатади, тайёр бўлганини таянмай ва кўриштиш камерасига узатади ва бошқаради. Панелтермик қайта ишловдан кейин тайёр транспортер воситасида тушади, у ердан қурилиш майдонига транспорт воситасида юборилади. Поток — конвейер линияси операторлари ҳар томонлама яхши ривожланган бўлмоғи керак: эътиборли, эчкил, ҳаракатчан, мурракаб вазиятда оқилона иш қўла оладиган бўлиши шари. У техника харафисизлиги қондасини ҳам яхши эгаллаган бўлмоғи керак.

АРМАТУРАЧИ-БЕТОНЧИ

Саноят ва уй-жой бинолари, транспорт ҳамда гидро-техника ишоотлари қурилишида арматурачи — бетончи ва унга турдош бўлган арматурачи — электр пайвандловчи етакчи касб ҳисобланади.

Арматурачилар темир-бетон буюмлари заводларида ва қурилиш монтаж ташкилотларида ишлар эканлар пўлат арматуралардан қирқма ва энгилмалар тайёрлайдилар. Махсус станоклар ёрдамида арматура йиғма ва монолит темир-бетон (панеллар, тўсиқлар, таянч устунлари, тўсиқлар ва бошқалар) конструкциялари учун арматура турлари ва сичилларни йиғадилар ва пайвандайдилар.

Бетончи ҳамisha арматурачи, электр пайвандловчи билан биргаликда меҳнат қилади. Ишларнинг натижаси уларнинг ғайрат-шижоатига боғлиқ. Иш юритувчи бетончилар бригадаси бошлиги билан олдиндан конструкцияларни бетонлаш планини тузиб чиқади, иш жойига бетон қўришмасини узатишни тўғри ташкил этиш чораларини белгилайди, ётқизилган бетони энчиштириш ва бошқа ишларни аниқлаб олади.

Бетончи жуда кўп нарсани билмоғи ва унинг уйдасидан чиқмоғи керак. У касбнинг ўсишига қараб бетон ва темир-бетон ишлари бутун комплексини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш талабларини ўзлаштириб олади, ранг-баранг механизмларнинг нозик тузилишини таҳлил қила олади, улардан фойдаланиш қондасини эгаллайди. Опалубкалар, ёғочлар, мурракаб арматураларни ўрнатиш ва уларни булаклаб олиш, сув тағима ва юқори баландликда температура режимида бетон етқизиш ишларини беш кўлдек эгаллаш лозим.

Арматурачилар, бетончилар ва электр пайвандловчилар комплекс бригадаларда ишлар эканлар, ўзаро ахиллиқ билан бир-бирининг ўзини тўлдирган ҳолда аралаш касбларни эгаллаб борадилар.

ФИШТ ТЕРУВЧИ

Фишт терувчи — барча касблар ичиде энг қадимийсидир. Бунёд этилаётган бинолар ёки ишоотларнинг қандай турга қараб фишт терувчи ва пойдеворга, ташқи ва ички деворга, хоналар ўртасидеги тўсиқлар учун фишт териш топирилади.

Барча фишт терувчилик ишларидан ҳам кўра айниқса деворнинг фиштини териш ишга алоҳида эътибор берилади. Бу ишни фишт терувчилар, дурадгорлар, ёрдамчи ишчилардан иборат бўлган комплекс бригада бажаради.

Фишторлик ишларининг устаси бунда осон гап эмас. Бу касб билим ва ядрокни, энг яхши эстетик дид ва кўз билан чамалашни, ҳаракатларни мураккамлаштиришни, жисмоний жиҳаддан тоблган бўлишни тақозо этади. Иш қанчалик мураккаблашиб борад экан, унинг устакоридан шунчалик юқори маҳорат талаб этилади.

Юқори малакали ишчи асосий материалларнинг тур-



Ўтган йили ўзининг 2000 йиллигини нишонлаган Тошкент кейинги йилларда барқ уриб ривожланди, таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетди.

В. И. Ленин музейи, Матбуот уйи, «Ўзбекистон», «Москва» меҳмонхоналари, В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи ва жуда кўплаб уй жой кварталлари шаҳарнинг чинакам фахри ва кўрки бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммасини «Главташкентстрой»нинг қўли гул қурувчилари бунёд этишган. 1963 йилда Тошкент шаҳри қурилишини олиб бориш мақсадида Ўзбекистон ССР Бош бошқармаси ташкил этилди. У ўтган давр ичиде Ўзбекистон пойтахтининг энг йирик қурилиш ташкилотига айланди. Айниқса 1966 йил эилзисласидан кейин Тошкентни қуриш ва қайта тиклаш ишларида «Главташкентстрой» бунёдкорлари жуда ҳам катта аҳамият касб этдилар.

Ҳозирги пайтда «Главташкентстрой» — бу 16 жамоат ва ихтисослаштирилган қурилиш трестлари, 3 уйсозлик комбинати, «Промстройкомплект» биғлашмаси ва 4 соҳа бошқармасидан иборат. Бош бошқарма қарамоғида қурутатли йирик панелли уйсозлик комбинатлари, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи ва бошқа саноят корхоналари бор. Ишлаб турган корхоналар реконструкция қилинмоқда ва янгилари қуриломқда. Технология жиҳатдан мамлакатда иккинчи бўлган Сергели ҳажмли — блокчи экспериментал завод қуриломқда. Бу объектни ишга туширилиши уй-жой қурилиши индустриясининг ишнини анчагина тезлаштиради.

«Главташкентстрой» ишчилари ва хизматчилари учун поликлиникали медицина-санитария қисми ва стационар касалхона, боалар учун эса боалар богчалари бор. Пионер лагерлари яратилган, «Автомобилист» дам олиш зонаси Сирдарёнинг сўлини қирғоғида жойлашган. «Главташкентстрой» ташкилотлари ва корхоналари қурилиш касбини яхшигина эгаллаб, Тошкент шаҳрининг қурилишига ўзининг меҳнати билан муносиб ҳисса қўша оладиган ўрта мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари битирувчилари, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган жангчилар ҳисобига ўзининг жанговар сафини тўлдириб бормоқда.

Биз сизга касб-корлар ҳақидаги ҳикояларни эътиборингизга ҳавола этар эканмиз кўйидаги маслаҳатни берамиз: у ёки бу қурилиш ихтисослигини эгаллашдан аввал ёзги каникул чоғида қурилиш майдонига ёки темир-бетон буюмлари заводининг цехларида ўзингизни сынаб кўрингиз. Ўзингизнинг жисмоний қобилиятингизни амалда сынаб кўринг, ота-оналарингиз, ўқитувчиларингиз билан маслаҳатлашинг.



лари, уларнинг таркиби, ранг-баранг материаллардан де-ворлар қўтариш усулини ва асбоблар билан муомала қилиш қондасини билишига мажбур. Монтажи каби (ҳозирги пайтда фишт териш ишлари тез-тез монтаж ишлари билан ҳам олиб бориломқда), фишт терувчи ҳам балкалар, плиталар, тўсиқлар, тайёр зинапоялар, балкон плиталари ва бошқа йиғма элементларни монтаж қилиш ва мустаҳкамлаш усулларини билмоғи лозим.

ГАЗ-ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛОВЧИ

Мамлакатимиз экономикасининг янада тараққий этиши ва халқ ҳўжалиги кўпгина соҳаларининг техникавий қайта қурулланиши моддий асосларини яратишда пайвандлаш ишига ҳақли риваيدا кенг ўрин берилмоқда.

Металл деталларни кўлда электр пайвандлаш, автоматик ва ярим автоматик, қайроқли ва чоклайдиган машиналарда пайвандлаш, металлари қирқиб ишларини одатда газ-электр пайвандловчилар бажаришади. Бу касб эгаси машиналарини ишнини бошқариб боради, электр қуввати ва кучланиш қанча миқдорда керак бўлишини белгилайди, пайвандлаш ускунасининг ишга созланганлигини кузатиб боради, шунингдек йиғма ва монолит бетон-темир конструкцияларини пайвандлаш ишларини бажаради.

Бугунги кунда пайвандловчилик касби ишлатилмай-диган бирорта соҳани топиш қийин. Бизнинг мамлакатимизда қурилишда қарийб барча турдаги биғриктириш, улаш ишларида пайвандлаш мубосиб қўлланилмоқда. Газ-электр пайвандловчи деталларнинг учини бир-бирита улайди, уларни устма-уст қўйиб маҳкамлайди, мосламалар қўйлаган ҳолда металлари қирқиб, пўлат, чуқун, қотишма деталлардаги бўлиқлар ва ёрилган жойларни қайтаиб тўлдирлади.

Агарда сиз газ-электр пайвандловчилик касбини ўзингизга танлаган бўлсангиз электр техникасиз асосари бў-йича маҳоратни эгаллаган бўлмоғингиз керак, пайвандлаш аппаратлари, генераторлар, трансформаторлар ва металлларнинг турлари схемалари ва конструкцияларини эгаллашингиз лозим. Пайвандлаш ишлари бинокл ва ишоотларни бунёд этиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари умумий комплексининг бир қисми бўлиб, унга фақат 18 ёшдан кичик бўлмаган кишилар қўйилишини ҳам билиш керак. Газ-электр пайвандловчилар комплекс бригадаларда ишлайдилар. Меҳнат ҳақи — ишбай — муқофотли.

БЎЁҚЧИ-СУВОҚЧИ

Ҳар қандай қурилишда албатта шундай палла етиб келадиган, қурувчилар янги бунёд этилаётган бино ёки и-

шоотни пардозлаш бўйича ишларнинг якуновчи туркумини бажаришга киришадилар. Пардозлаш ихтисослигидаги сувоқчилар ва бўёқчилар қурилишнинг тула ҳуқуқли ҳўжайинлари бўладиган вақт ҳам етиб келади.

Сувоқчилар биринчи бўлиб бинони пардозлашни бошлайдилар, шундан кейин бошқа ихтисосликлар бўйича ишчилар қўшимча қилиб бажарадиган ишларнинг асосини яратиб берадилар.

Сувоқчилик ишлари тугаганидан кейин, бўёқ ишлари бошлаб юборилади. Улар биноларнинг сиртига гўзал ташқи қиёфа, эстетик жозиба бахш этадилар. Ранг-баранг пардозлаш ишлари комплексиде бўёқчиларга катта ҳажмда бўёқчилик ва гул қоғозларни ёпиштириш ишларини бажаришга тўғри келади. Деворларнинг сиртига лак бўёқ қопламасини суртадилар, гул қоғозлар, пленкалар лак-круксларни ёпиштирадилар. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қурилиш индустриаллаштириш ва кўпгина қурилиш операцияларини завод шароитига ўтказиш мубосабати билан қурилиш майдонига бўялган, шпаклевкаланган ҳолда келётган буюмларнинг миқдори кескин кўпайиб бормоқда. Шпаклевка, бўёқ учун ишлатиладиган бўёқ моддалари, қондага кўра бўёқ тайёрловчи маҳсуус цехларга марказлаштирилган ва улар қуриладиган объектларга тайёр ишлатиладиган ҳолда етказиб берилати. Сувоқчилик ишлари қоримани узатадиган ва чаплайдиган кўча қуриломалардан фойдаланиладиган ҳолда механизацияланган усул билан бажариломқда. Бўёқчи-сувоқчи асосий материаллар, тайёр қўруқ қурималарнинг барча турлари ва уларнинг таркибини ва улардан қорималар тайёрлашнинг усули бўёқчилик-сувоқчилик ишларида қўлланиладиган механизмлар ва асбобларни ишлатиш ва уларнинг тузилишини беш кўлдек билмоғи керак.

Сувоқчилик-бўёқчилик ишларида рангларнинг муштараклигини таянлай билмоғи маҳорат, бўёқ моддаларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда қорштириш усулларини билиш алоҳида аҳамият касб этади.

● БУ КАСБЛАРНИ ҚАЙСИ БИЛИМ, ДАРГОҲЛАРИДА ЭГАЛЛАШ МУМКИН
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ БАЗАСИДА МАВЖУД БЎЛГАН ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА БУ КАСБЛАРНИ ўқиб ўРГАНИШ МУМКИН.

22-БИЛИМ ЮРТИ — Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахан кўчаси, 10-уй. Телефон: 91-26-47.
63-БИЛИМ ЮРТИ — Тошкент шаҳри, Амвал Икромов райони, Чилонзор массиви, 26-квартал. Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

158-БИЛИМ ЮРТИ — Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратоп кўчаси, 40-уй. Телефон: 42-33-56.

171-БИЛИМ ЮРТИ — Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домброб кўчаси, 74-уй. Телефон: 77-49-53.

216-БИЛИМ ЮРТИ — Тошкент шаҳри, Киров райони, Юнусобод массиви, А-1 квартали.

40-БИЛИМ ЮРТИ — Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Луначарское шоссе, 69-уй. Телефонлар: 66-09-96, 66-09-98.

8-синфин битириб, билим юртига кирган ўқувчилар уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтатиш даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Олти ойлик ва бир йиллик муддат билан ўқитиладиган группаларга 10-синфларни битирган ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган кишилар қабул қилинадилар.

Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртларини аёло баҳолар билан битирган ўқувчилар Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари ва техника-куммуларга юбориладилар ва ўқишга конкурсуз киридадилар. Ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин Тошкент шаҳри қурилишини олиб бораётган қурилиш бошқармаларининг бригадаларига биғриктириб қўйилади.

«Главташкентстрой» корхоналари ва ташкилотлари учун ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажрамалган ҳолда бир йилдан 4 ойгача тезлаштирилган муддат билан ўқитиладиган ўқув-курсу комбинатларида ҳам янги касблар ёки аралаш ихтисосликларни эгаллаб олиш мумкин. Ўқув комбинатининг ўқувчилари ўқиш пайтида ойига 75 сўм миқдорига стипендия оладилар.

Группаларни комплекшлаш йил бўйи ўтказилади. Ўқув комбинати адреси: Тошкент шаҳри, Гафур Ғулом кўчаси, 6-уй. Телефон: 78-05-15.

● ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Мамлакат бўйича қурилишда 11,5 миллион киши меҳнат қилмоқда. Шундан 9,1 миллион киши ишчи, қолганлари инженер-техниклар ва хизматчилардир.

● ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ҳар йили капитал қурилишига мамлакат миллий даромадининг 1/4 қисми сарфланмоқда. Қурилиш саноят маҳсулотининг 15 процентини, кабель маҳсулотининг 60 процентдан ортиқроғини, қурилиш материалларининг 90 процентини, ёғоч ва ёғочни қайта ишлаш саноятининг 50 процент маҳсулотини сарфламоқда ва ишламоқда. Қурилиш юкларини ташини транспорт барча юк оборотининг чорак қисмини ташкил қилмоқда.

● ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ҳар йили мамлакатимизда меҳнаткашларга 5 миңдан зиёд лич ободлаштирилган квартира қуриб берилмоқда ва бу бепул тақдим этилади. Қурувчиларнинг меҳнати туғайли ҳар бир кишининг уй-жой билан ўртача норма таъминланиши бир мунча оширишга эришилмоқда.

● ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

СССРда замонавий қурилиш жуда катта қудратли техникага эга. Унинг қўлида 160,5 миң экскаватор, 16С миңдан зиёд бульдозер, 303 миң юк автомобили бор. Комплекс механизациялаш юксак даражага эришган: тупроқ ишларида 96 процент, монтаж-бетон ва темир-бетон конструкциялари монтажда 96,6 процент, бетон ишларида 93 процент, пардозлаш ишларида 78 процент.

МАТЕРИАЛЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕХНАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ЕШЛАР КАСБ КОНСУЛЬТАЦИЯСИ ВА КАСБ ТАНЛАШИ КАБИНЕТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА БОШ БОШҚАРМА БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАЙЕРЛАНДИ.